

Impact Factor: 4.972

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS KONSENSUS XALQARO JURNALI



VOLUME 4, ISSUE 2

2023

KONSENSUS XALQARO JURNALI

4 JILD, 2 SON

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS
VOLUME 4, ISSUE 2



Bosh muharrir | Chief Editor:

JO'RAYEV NARZULLA QOSIMOVICH

siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Deputy Chief Editor:

SAIDOV SANJAR SHAVKATOVICH

siyosiy fanlar doktori (DSc),
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Deputy Chief Editor:

ZAMONOV ZOKIR TURG'UNOVICH

siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD),
O'zbekiston Respublikasi

TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD

ALIMARDONOV TO'LQIN
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

ANITA SENGUPTA
siyosiy fanlar doktori, professor
Hindiston Respublikasi

BAYDAROV ERKIN
falsafa fanlari nomzodi, professor,
Qozog'iston Respublikasi

GREGORY GLEASON
siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

FARMONOV RAHMON
tarix fanlari doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

JO'RAYEV SAYFIDDIN
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

JENNIFER MURTAZASHVILI
siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

MAMADAZIMOV ABDUGANI
siyosiy fanlar nomzodi, dotsent,
Tojikiston Respublikasi

MADAYEVA SHAXNOZA
falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

KHOLMUMINOV JAFAR
falsafa fanlar doktori,

NURMATOVA GULSAYRA
siyosiy fanlar doktori, professor,
Qirg'iziston Respublikasi

QIRG'IZBOYEV MUQIMJON
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

QO'CHQOROV VAHOB
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

QODIROV ANVAR
falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

ONO MASAKI
falsafa doktori, professor
Yaponiya

TOLIPOV FARXOD
siyosiy fanlar nomzodi, dotsent
O'zbekiston Respublikasi

VASILIIY NIKULENKO
tarix fanlari nomzodi, dotsent,
Rossiya Federatsiyasi

CHANDER SHEKXAR
falsafa doktori, professor,
Hindiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
TO'YCHIYEVA RA'NO
O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Юсуф Исмаилов СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР КОМПАРАТИВИСТИКАНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА (Германия ва Ўзбекистон қиёсий мисолида).....	5
2. Санжар Саидов ГЛОБАЛ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲОЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛЛАШУВИ.....	11
3. Абдурашид Анваров СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	21
4. Maftuna Rajabova GLOBALLASHUV VA TOLERANTLIK: SIYOSIY DISKURS.....	26
5. Sirojiddin Azimov XALQARO MUNOSABATLAR TIZIMIDA DAVLAT IMIJINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI.....	35
6. Аббосхонова Нилуфархон Аббосхон қизи СИЁСАТШУНОСЛИКДАГИ ЯНГИ ФАН ЙЎНАЛИШИ – СИЁСИЙ МИГРАЦИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТИ.....	40
7. Саидова Сайёра Алишер қизи ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА ДИН ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ.....	46

JOURNAL OF INTERNATIONAL CONSENSUS

Абдурашид Анваров,

Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотчиси

СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8332380>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сиёсий онгнинг функциялари, элементлари, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатлари изчил ёритилган. Илмий изланишлар асосида назарий жиҳатдан асосланган хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий жараёнлар, ёшлар сиёсий маданияти шаклланиши.

Abdurashid Anvarov,

Researcher of the National University of Uzbekistan

FEATURES OF THE MANIFESTATION OF POLITICAL CONSCIOUSNESS AND POLITICAL CULTURE

ABSTRACT

This article consistently examines the functions and elements of political consciousness, the relationship of political consciousness and political culture. Based on scientific research, theoretically based conclusions were made.

Key words: state, society, political consciousness, political culture, political processes, formation of youth political culture.

Абдурашид Анваров,

Научный соискатель Национального университета Узбекистана

ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ПОЛИТИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ И ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье последовательно рассматриваются функции и элементы политического сознания, взаимосвязи политического сознания и политической культуры. На основе научных исследований были сделаны теоретически обоснованные выводы.

Ключевые слова: государство, общество, политическое сознание, политическая культура, политические процессы, формирование молодежной политической культуры.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

Сиёсий онг деганда сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий тасаввурлар, қарашлар, кўникмалар ва билимлар мажмуи тушунилади. Сиёсий жараёнлар биринчи навбатда давлат

ҳокимияти, унинг сиёсий бошқарувдаги фаолияти ва унда кечадиган сиёсий муносабатлар бўлиб, у бир маромда ривожланиши, турғун ҳолатга тушиши ёки юқори даражага кўтарилиши мумкин. Уларнинг қандай кечиши давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувни қайси даражада ташкил этишига боғлиқ ҳолда кечади.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.

Сиёсий онг давлатнинг пайдо бўлиши билан унда яшаётган шахсларда шакллана бошлайди. Бунинг негизида давлатнинг манфаатларини назарда тутувчи сиёсатни олиб бориши ёки олиб бормаслиги муаммоси туради. Шахс ана шу икки ҳолатда ҳам давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувдаги фаолиятига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради. Давлат объектив ва субъектив сабабларга кўра, шахснинг эҳтиёжларини тўла қондира олмайди, бунинг имконияти ҳам йўқ. Чунки, шахс қанча фаровон яшаса, унинг эҳтиёжлари ҳам шу даражада ошиб бораверади. Бу объектив жараён, худди ана шу эҳтиёжларнинг ошиб бориши мамлакат ва шахсни тараққиётга етакловчи омилдир. Агар эҳтиёжларнинг ошиб бориш жараёни тўхтаса, бу тараққиётнинг ҳам тўхташига олиб келади. Бу жараёнда сиёсий онг ривожланиши давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувда сиёсий эҳтиёжларининг олиб боришига мувофиқ фаолият кўрсата билмаслиги фуқароларнинг унга нисбатан ўз муносабатларини билдириш вазиятини юзага келтиради. Ана шу ҳолатда шахсда давлат ҳокимиятининг сиёсий фаолиятига нисбатан қарашлари, тасаввурлари ва кўникмалари вужудга кела бошлайди. Улар давлат ҳокимияти тараққиётга мувофиқ ривожланиб бораверади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Сиёсий онг онгнинг барча шакллари (индивидуал онг, ижтимоий онг, назарий онг, миллий онг, эстетик онг ва бошқалар) билан ўзаро боғлиқ ва улар билан бирга ривожланади. Миллий онг тушунчасига оид турли қарашлар шаклланган. Айрим луғатларда қуйидаги таъриф берилади: “Миллий онг – ҳар бир миллат ёки элатнинг узок тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, маънавий-диний эътиқоди, маданий ривож жараёнида шаклланган дунёқараш, тафаккури, эътиқод ва ишонч туйғуларини ифодаловчи тушунча. Унинг шаклланишига тўпланган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат ва маданият ютуқлари, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади [1, 406].

1-жадвал.

Сиёсий онгнинг функциялари.

Сиёсий онгнинг функциялари

Билиш	Шахслар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг давлат ҳокимияти, унинг фаолияти ва жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларининг маъно-мазмунини тушуниб олиши
Сиёсий жараёнларни юзага келтириш	Сиёсий онг бўлмаса, давлат фаолияти ва жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнлар содир бўлмайди. Сиёсий онг бўлмаса, умуман сиёсий институтлар ҳам шаклланмайди. Бу функциясида у жамиятдаги сиёсий жараёнларга муносабатларнинг инъикоси ҳамда уни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб майдонга чиқади.
Манфаатларни мувозанатга келтириш	Жамиятдаги фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларини ўзаро мувозанатга келтиради. Агар сиёсий онг жамият тараққиёти даражаларига мос равишда ривожланган бўлса, сиёсий кучлар манфаатларини ўзаро мувозанатга келтириш имконияти кучаяди. Унинг акси бўлса, манфаатлар тўқнашуви содир бўлади ва жамиятда сиёсий беқарорлик билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик ҳам юзага келиши мумкин.

Демократик кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш	Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги таъминланганлиги, фикрлар хилма-хиллигининг амал қилиниши, кўп партиявийлик, сайловларда муқобиллик мавжудлиги, халқнинг давлат ҳокимияти устидан назорат қилиш механизмининг ишлашида сиёсий онг асосий омиллардан бирини ташкил қилади. Айни вақтда, демократик кадриятлар ҳам сиёсий онгнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.
Йўналтирувчанлик	Фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятини билиш ва унда иштирок қилишга мойилликни ҳамда амалдаги сиёсатга нисбатан ўзларининг мустақил позицияларини шакллантириб беради.

Сиёсий онгнинг функциялари ва индивидуал даражадаги таҳлили унда барча элементларнинг икки туркуми намоён бўлганини кўрамиз. Биринчиси, шахснинг сиёсий эҳтиёжлари, миллий кадриятларга содиқлиги, қарашлари, ҳис-туйғуларини бошқариши (сиёсий); иккинчиси, билимлари, сиёсатга қизиқиши, эътиқодлари (маърифий)дан иборат элементлардир.

Булардан хулоса шуки, сиёсий онг билан шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви ўзаро боғлиқ кечади. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви деганимизда, унинг сиёсий жараёнларни англаши ва уларда иштирок қилишининг ортиб бориши назарда тутилади. Ҳақиқатдан ҳам, шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви унинг сиёсий онгининг ривожланишига олиб келиши билан бир вақтда, уни жамиятда нафақат сиёсий жараёнларда, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий жараёнларда иштирокининг ривожланишига олиб келади. Шундай қилиб, сиёсий онг шахс фаолиятини барча соҳаларда иштирокини таъминловчи индикатор вазифасини бажаради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, шахснинг сиёсий онги унинг сиёсий жараёнларига муносабатларининг таъсирида шаклланади. У бу жараёнларда иштирок қилишида нафақат сиёсий мақсадлар ва манфаатларни, шунингдек, ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳам намоён бўлади. Бу унинг у ёки бу миллатнинг вакили даражасида миллатнинг мақсадлари, манфаатлари, мустақил субъект сифатидаги мақомининг амал қилишини таъминлашда иштирок қилади.

Келтирилган фикрлар ва таърифларда сиёсий маданиятнинг ўзига хос турли жиҳатлари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, ушбу тушунчага изоҳ бериб ўтишга ҳаракат қиламиз. *Биринчидан*, сиёсий маданият жамият маънавиятининг бир бўлаги; *иккинчидан*, давлат ҳокимияти фаолиятида сиёсий маданиятнинг амал қилиши сиёсий жараёнларнинг ижобий йўналишда кетаётганлиги белгиси; *учинчидан* сиёсий маданият сиёсий жараёнларда иштирок қиладиган фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларни амалий фаолиятда амал қилишини ташкил қила билиш кўрсаткичи.

2-жадвал. Сиёсий маданиятнинг элементлари.

Сиёсий маданият элементларига қуйидагилар киради:	
Сиёсий онг	сиёсий онг сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий тасаввурлар, қарашлар, кўникмалар ва билимлар мажмуидир.
Сиёсий тафаккур	давлат ҳокимияти, унинг фаолият, мақсад ва манфаатлари, ўзаро ички муносабатларининг боғланишлари ҳақидаги реал билимлари.
Сиёсий мафкура	ҳокимиятининг сиёсий ҳаёти, сиёсий тизими, турли сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ўрни, роли тўғрисидаги ғоялар, қарашлар ҳамда уларнинг сиёсий ҳокимиятга интилишдаги мақсадлар фаолияти.

Сиёсий ахлоқ	сиёсий дунёқараш, сиёсий қадриятлар, фуқароларнинг хулқ-атвори ва уларнинг сиёсий институтлар билан бўладиган муносабатлари мажмуаси.
Сиёсий хулқ атвор	сиёсий жараёнларда иштирок қилувчи субъектлар маънавий-ахлоқий даражаларининг ҳолати.
Сиёсий кайфият	сиёсий жараёнларда қатнашаётган субъектларнинг уларни қай даражада англаб етиши, тасаввур этиши ва уларга нисбатан қарашларидаги руҳий ҳолати.
Сиёсий тарихий тажриба	давлат ҳокимиятини шакллантириш, уни бошқариш ва барқарор ишлашини таъминлаш, фуқаролар билан улар ўртасидаги муносабатларда барқарор мувозанатга эришиш борасидаги йиллар давомида тўпланган фаолиятнинг натижаси.
Сиёсий иммунитет	фуқаролар онги ва дунёқарашида ташқаридан кириб келадиган ва мамлакат ичқарисида юзага келиши мумкин бўлган, унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи сиёсий кучлар, ёвуз ва бузғунчи сиёсий оқимларга ҳамда уларнинг ғояларига қарши тура оладиган сиёсий-руҳий салоҳият.
Сиёсий қадриятлар	давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолиятларида тўпланган ютуқлари ва уларнинг ана шу институтларининг бугунги, эртанги куни ҳамда истиқболи учун аҳамиятли бўлган ва уларга хизмат қиладиган сиёсий тажрибавий бойликлар йиғиндиси.

Шу ўринда, давлат ҳокимияти фаолиятида сиёсий маданиятининг муҳим кўрсаткичи қандай юзага келади, деган савол туғилади. Аввало, бундай маданият шахснинг сиёсий бошқарувда мажбурий буйруқбозликка эмас, балки сиёсий вазминлик, адолатлилик, ўзаро ишонч тамойилларига таянишида намоён бўлади. Аммо бу масалада шуни ҳисобга олиш керакки, сиёсий маданият сиёсий онгдан олдин шаклланмайди ва ривожлана олмайди. Ана шу оралиқ масофадаги мувозанат бузилиб кетишида сиёсий онгнинг роли бекиёс. Яъни, ёшларнинг сиёсий билимга эга бўлмасдан турли сиёсий жараёнларга аралашиб кетиши, алал-оқибат, зиддиятларнинг пайдо бўлиши индивидларнинг онгига боғлиқ бўлади. Шу маънода сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга нисбатан кескин ривожланишига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш керак. Ўз навбатида, сиёсий онгнинг ривожланиши натижасида ёшларда сиёсий жўшқинлик ва сиёсий фаоллик ошиб кетади. Агар у шахснинг сиёсий маданияти билан бир вақтда ривожлантирилмаса, мувозанат барҳам топса, сиёсий онг ёшлардаги ана шу жўшқинлик ва фаолликни мамлакатнинг сиёсий зиддиятлар гирдобига тушиб қолишига олиб келиш хавфи туғилади.

Ёшлар психологияси ва ҳаётида содир бўладиган мазкур ҳолатнинг сабаби қуйидагилар билан изоҳланади [2,69]: а) мамлакатда ижтимоий-иқтисодий инқирознинг юзага келиши; б) миллатлараро муносабатларда зиддиятларнинг содир бўлиши ва динлараро бағрикенгликнинг барҳам топиши; в) мамлакат амалий фаолиятида ёшлар манфаатлари уларнинг ўсиб борадиган эҳтиёжларига нисбатан эътиборсизликнинг юзага келиши; г) мамлакатдаги сиёсий партияларнинг ҳокимият учун олиб борадиган қурашларида амалдаги қонунларга хилоф равишда фаолият кўрсатишлари ва бунга ёшларни жалб қилиш; д) мамлакат ҳаётига ташқи кучларнинг аралашуви ва унинг хавфсизлигига таҳдидларнинг юзага келиши.

Профессор С. Отамуратовнинг фикрига кўра, жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий инқирозларнинг вужудга келиши барча аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида ишсизликнинг юзага келишига, шунинг билан бирга иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Ҳар бир давлат ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқ ишлаб чиқилган ва илмий асосланган давлат дастурига эга бўлиши лозим. Агар бу давлат фаолиятида ҳисобга олинмас экан, ёшларнинг давлатга нисбатан ишончи барбод бўлади ва бу жараённинг зимдан ривожланиб келиши, куни келиб бирдан юзага қалқиб чиқишига олиб келади. Мана шу ҳолат

барқарор ривожланиб келаётган сиёсий маданиятнинг юзага келган вазиятни “юмшатишга” кучи етмай қолишига, унинг ўрнига сиёсий онгнинг кескин ўсиб кетишини тезлаштириб юборади [2, 71].

Бугунги кунда ёшлар сиёсий онгининг шаклланиши ва ўсишида *сиёсий партиялар* етакчи кучлардан бири ҳисобланади. Профессор М. Қирғизбоев “Сиёсий маданият қаёқдан пайдо бўлади”, деган саволни ўртага қўйиб, унга ўзининг жавобларини қуйидагича ифодалайди: “Кўп ўқиган ва назарий билимларни эгаллаган билан инсонда сиёсий маданият пайдо бўлиб қолмайди. Кишилар ўзларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини руёбга чиқариш учун амалиётда иштирок эта бошлагандагина уларда сиёсий маданият куртак отиб боради. Бундай маданиятни эгаллаш фақат сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида иштирок этиш орқалигина рўй беради. Ҳеч бир инсон яқка ўзи ҳаракат қилиб, ўзининг моддий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатини ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини қўлга киритолмайди. Бу манфаат ва ҳуқуқлар биронбир жамоат ташкилоти воситасидагина қондирилади. Шу сабабли ҳам сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг мақоми ҳар бир демократик давлатда юқори даражага кўтарилган” [3, 387]. Олимнинг фикрига тўла қўшилаемиз. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий-сиёсий тадбирлар, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок ёшларнинг сиёсий билимларини оширади ва фаолликка ундайди.

Ёшлар сиёсий онгининг сиёсий маданиятга нисбатан кескин равишда ривожланиб кетиши омилларидан бири мамлакат ҳаётига ташқи кучларнинг аралашуви, унинг хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг юзага келишидир. Бу ижобий аҳамиятга молик жараён. Чунки сиёсий онгнинг ўсиши натижасида ёшлар онгида юртпарварварлик, она Ватанни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлигини таъминлаш каби руҳият ривожлана бошлайди.

ХУЛОСА.

Сиёсий онг ва сиёсий маданият ўзаро муносабатларида мувозанатнинг доимий амал қилишига эришиш давлат сиёсий фаолиятидаги муҳим йўналиш бўлиб қолаверади. Сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга нисбатан кескин равишда ўсиб кетиши бир томондан мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ижобий ҳодиса бўлса, иккинчи томондан мамлакат ички сиёсий ҳаётига даҳлдор соҳаларда салбий роль ўйнаши ҳам мумкин. Шунинг билан бирга сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга мувофиқ ёки қарийб тенг равишда ривожланиши ҳар қандай сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият майдони учун самарали бўлади. Айти шу сиёсий жараёнларда сиёсий маданият омили сиёсий онгни тартибга солиб, мамлакат ва умумхалқ манфаатларига, уларнинг тинчлиги ва барқарорлигига зид бўлган вазиятларнинг юзага келмаслигининг олдини олишга хизмат қилади.

“Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг унсурлари ва феноменларини, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан алоқадор бўлган маънавий маданиятини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, у давлат ҳамда сиёсий институтларнинг шаклланишига, фаолияти ва тараққиётига ҳам муҳим таъсир кўрсатади”.

Юқоридагилардан хулоса шуки, сиёсий маданият сиёсий онгга қараганда мамлакатда барқарор тараққиётни таъминлашда етакчилик қилади.

Иқтибослар/ References/Сноски

[1] Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ф. Фулом, 2009, 406-б.

[2] Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. -Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 69, 71.

[3] Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. -Т.: Янги аср авлоди, 2013. -Б. 387, 379.



ISSN 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

KONSENSUS XALQARO JURNALI

4 JILD, 2 SON

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS
VOLUME 4, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000